

ЖУМАНИЯЗОВА Мохира Шухрат кизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар
кафедра ўқитувчиси

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “РАҲБАРИ НАЖОТ” АСАРИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

ПРОИЗВЕДЕНИЕ АБДУРАУФА ФИТРАТА "ВОЖДЕЙ СПАСЕНИЯ" И ЕЕ СОВРЕМЕННАЯ ФИЛОСОФСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

ABDURAUF FITRAT'S WORK "RAHIBARI NAJOT" AND ITS MODERN PHILOSOPHICAL INTERPRETATION

Аннотация: Мақолада Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида илмнинг мазмун-моҳияти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида сўз боради. XIX аср охири-XX асрларда мавжуд ижтимоий масалалар ҳозирги замонавий жамиятда ҳам мавжудлиги, асарни кенг таҳлил этишини талаб этади. Асардаги ижтимоий қарашлар мақолада фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калим сўзлари: Абдурауф Фитрат ижтимоий қарашлари, ижтимоий муаммолар, илм-фан тараққиёти, зиёрат масаласи, фуқаролик жамияти, жамият тараққиёти, ақидапарастлик, илмсизлик, ислом маърифати, жадидлар қарашлари.

Аннотация: В статье говорится о сущности науки в произведении Абдурауфа Фитрата «Рахбари Наджот» и важности произведения на сегодняшний день. Конец XIX века, наличие социальных проблем в XX веке в современном обществе требует широкого анализа работы. В статье социальные взгляды в произведении исследуются философским подходом.

Ключевые слова: Социальные воззрения Абдурауфа Фитрата, социальные проблемы, развитие науки, вопрос паломничества святынь, гражданское общество, развитие общества, фанатизм, невежество, исламское просвещение, взгляды джадидов.

Annotation: The article talks about the essence of science in Abdurauf Fitrat's work "Rahbari Najot" and the importance of the work today. The end of the XIX th century, the existence of social issues in the XX

th century in today's modern society, requires a broad analysis of the work. Social views in the work are philosophically explored in the article.

Keywords: Abdurauf Fitrat's social views, social problems, the development of science, the issue of pilgrimage, civil society, the development of society, fanaticism, ignorance, Islamic enlightenment, views of Jadids.

КИРИШ

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда ҳар бир соҳада ўзининг юқори самарасини бермоқда, десак муболаға бўлмайди. Ана шундай ислохотларнинг асосий қисми ижтимоий соҳани изчиллаштиришни кўзда тутди.

“Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана шу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуг аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” [1, 24].

Жамиятда мавжуд муаммоларнинг ечими албатта таълим-тарбияни ислоҳ қилиш орқали амалга ошириш ўз исботини топган масала. Шу ўринда тарбия ўчоғи оилада, ота-онанинг таълим-тарбиясига узвий боғлиқлиги аниқ. Қуйидаги мақолада ана шу масалалар илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамиятимизда таълим-тарбияни амалга оширишнинг ўзига хос механизми шакллантирилган. Бу механизмнинг таъминланиши бир неча омилларнинг қандай таркиб топганлигига бевосита боғлиқ. Ана шундай омиллардан бири инсондаги диний ва дунёвий илмнинг уйғунлигидадир. Модомики бу илмлар инсоннинг жамиятдаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Бугунги кунда мамалакатимизда диний ва дунёвий илм олишга талаб ошганлигини, бу эҳтиёжни қондириш мақсадида кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Шу ўринда, мамлакатимизда барча дин вакиллариغا кенг имкониятлар яратилаётганлиги исботини, мисол тариқасида, асосий қонунимизда эътиқод эркинлиги кафолатланганлиги, “Виждон эркинлиги тўғрисида”ги Қонунда эътиқод қилувчиларнинг ҳақ–ҳуқуқлари белгилаб берилганлигида кўриш мумкин. Диний ташкилотлар фуқаролик жамиятимизнинг ажралмас таркибий қисми эканлиги эътироф этилган. Диний адабиётлар нашри йўлга қўйилган Маънавиятимизни бойитиш учун барча шарт–шароитлар таъминланмоқда. Бугунги кунда ижобий ва салмоқли ўзгаришлар бўлаётган бир даврда баъзи бир ижтимоий камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бундай камчиликлар орасида диний саводсизликларга, ақидапарастлик каби иллатларни ривожланиб боришини кузатишимиз мумкин. Бу каби иллатлар XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳам мавжуд эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги вазият қандай эканлигини барчамиз турли адабиётлар орқали маълумотга эга бўлганмиз. У даврнинг оғир саволларига жавоб излаш Фитрат каби зиёлиларнинг асарларида тўлиқ ёритиб ўтилган.

Биламизки, Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарини яратишига асосий сабаб ва мақсадий омил бу ўша даврда ижтимоий муаммолар, илмсизлик, диний билимларнинг етишмаслиги эди. Бу муаммоларни асосли ва далилли ечимини аллома мазкур асарда тўлиқ ёритиб берган. “Раҳбари нажот” асарида келтирилган баъзи бир масалалар ҳозирги давримизда ҳам мавжудлиги унга бугунги кунда ҳам эҳтиёж борлигини кўрсатади. Қуйида ана шу каби бир неча масалаларни ўша давр ва ҳозирги кун билан таққослашга ва таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, илм инсоннинг ҳаёт сўқмоқларида адашмаслиги, яхши – ёмон, оқу қорани англаб етиши ҳамда ўз умрини оқилона ташкил этиши учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. У туфайли инсоннинг турмуш тарзи юксалиб, жамият тараққиёти тезлашиб боради. Бугунги кунда илм – фаннинг ривожланиши натижасида минг йиллар давомида жумбоқ бўлиб келган ҳодисалар ўз сиру – синоатини очаётгани, инсоннинг яшаши учун қулайликларнинг кўпайиб бораётгани, жамият тараққиётининг тезлашаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Ислом дини ҳам инсон манфаатларини ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни юксак қадрлаган, қўллаб – қувватлаган. Аммо ақидапарастлар Исломнинг ички диний барқарорлик ва яқдилликни таъминлашга хизмат қиладиган ўзгармас диний арконларига қўшимчалар қўшишга қаратилган янгилик – бидъатни рад этадиган тамойилини ғараз мақсадларда талқин қилиб, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётни ҳам, унга хизмат қиладиган илм – фан кашфиётларини ҳам бидъат деб баҳоламоқдалар. Хусусан, уларнинг фикрича, бугунги илм – фан тараққиётининг ютуқлари бўлган радио, телевидение, театр, компьютер технологиялари бидъат, улардан фойдаланиш эса гуноҳ ҳисобланади. Ақидапарастларнинг иддаоларига кўра, хотин – қизларнинг илм олиши шарт эмас, уларнинг жамият ишларидаги фаолияти эса харом ҳисобланар экан [6, 74].

Жиддий эътибор бериладиган бўлса, уларнинг илм – фан янгиликларини инкори ортида Исломнинг ўзгармас тамойилларини рад этиш ётганини англаш қийин эмас. Шу билан бирга, бундай қарашлар мутассиб кучлар ғояларининг асоссизлигини, улар олиб бораётган ҳаракатларнинг ғайриисломий моҳиятини очиб ташлашга хизмат қиладиган манбаларни “бидъат”га чиқаришга интилишаётганини кўрсатади.

Ислом таълимотида илмнинг юксак ва ундан бошқа нажот йўқ эканини, Қуръон оятлари, ҳадислар ва уламоларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. [4, 78]

Хусусан, илм олиш афзаллиги тўғрисида Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида ҳам кўплаб фикр – мулоҳазалар келтирилган. Фитрат фикрича: “Чунончи, шу оятдан ҳам англашиладики, бизнинг эътиборсиз ва хору зор эканлигимизнинг ҳақиқий сабаби ўзимизнинг носоз аъмолимиздандир. Ўзимизни мусулмон деб биламиз-у, лекин муҳим ислом аҳкомларини тамоман тарк қилганмиз. Агар илоҳий даргоҳга ружуъ қўйиб, аҳволимизни ислоҳ қилиб, Қуръони карим аҳкомларини ўзимизга ягона раҳбар деб билсак, тараққиётга умидвор бўлиш мумкин, илло бизни бу паришонликдан ҳеч бир авлиёнинг қаромати ҳалос этмайди! “Сенга етган яхшилик Аллоҳдандир, мусибат эса ўзингдан” дейилади Қуръони каримда.

Аллоҳ берган неъматларнинг энг буюғи АҚЛдир, шу ақл одамларни махлуқлар орасида

мукаррам ва мушарраф қилгандир. Худованди таборак ва таоло бизга ақлни ҳақни ботилдан, манфаатни зарардан ажрата олиш учун, нимаики ҳақ ва фойдали бўлса, ихтиёр этиб, нимаики зарар ва ботил бўлса, тарк этиш учун берган.[4, 85]

Шу ўринда, “Раҳбари нажот” асарида келтирилган масалалардан яна бири, зиёратгоҳлар, қабрларни тавоф қилиш хусусида кўпгина маълумотларни таҳлил қилдик. Зиёратгоҳларнинг обод қилиниши ва доимий эъзозда бўлиши халқимиз маданиятига бўлган юксак ҳурмат ҳамда эътиборнинг намунасидир. Чунки, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар, қабристонларни зиёрат қилиш халқимизнинг ўзига ҳос қадриятларидан ҳисобланади. Ислом дини пайдо бўлган илк даврда жоҳилият пайтидаги қабристонга боғлиқ ҳунук (ўликни мактаб, бақир – чақир қилиб, ошкора йиғи – сиғи қилиш каби) одатлар тарк этилмагани учун Расулуллоҳ с.а.в томонларидан қабрлар зиёрати тақиқланган. Бирок, мазкур одатлардан халос бўлгач, инсонлар ибрат олиши, қалблари юмшаб, дунёнинг ўткинчи эканини ўйлаб, беҳуда мактаниш ва ғурурланишни тарк этиш, ҳаётларини тўғри йўлга солиш, савобли, хайрли ишлар қилишга руҳсат берилган. Расулуллоҳ с.а.в дан ривоят қилинган ҳадисда: “Қабрни зиёрат қилиб туринглар, зеро у сизларга охиратни эслатади” дея таъкидланган. Зиёратчилар томонидан қабрларни Каъбани тавоф қилгандек етти марта айланиш, қабр тошларини ўпиб, юз – кўзларига суртиш, у ердаги дарахтларга ният қилиб турли матолар боғлаш, азиз – авлиёлар руҳидан нажот сўраш каби хурофий одатлардан доимо қайтарилган. Ислом динида бундай амаллар кескин қораланган ва улар одамларни эътиқоддан адаштириб, ширкка олиб боради, деб ҳисобланган.[5, 174]

Мазкур мулоҳазалар тўғрисида Фитрат ҳам бир неча фикрларни бериб ўтган. “Энди эса авлиёлар қабрларининг зиёрати хусусида бир оз тўхталамиз. «Қабристонларни зиёрат қилиб туринглар, зеро, улар сизга охиратни эслатади», – дейилган «Ал-жомеъ ас-сағир» асарида. Бу ҳадисдаги ҳикматни тушуниш учун одам холини диққат билан кузатайлик. Ажабо, одам нега гуноҳ қилади? Китобимиз аввалида ҳам бир баҳона билан баён қилиб ўтган эдикки, «комил иймон гуноҳ ишлар учун ягона тўсиқдир», – деб. Худойи таоло ва қиёматга иймон келтириб, уларнинг мавжудлигини билган одам ҳаргиз

гуноҳ қилмайди. Агар билмай гуноҳ қилса ҳам дарҳол тавба қилишга шошилади.

Сониян, бундай зиёрат шаръан манъ қилиниб, ҳаром ҳисобланади. Биз бундай зиёратлардан фақат гуноҳ орттирамиз. Аллоҳ Пайғамбарларининг қабрини масжидга айлантирган (у ерда улар намоз ўқийдилар) яҳудий ва насронийларни лаънатлайди, – дейилган Бухорийнинг «Китоб ал-салот» ва Муслимнинг «Китоб ал-масоҷид»и- да; яна «Пайғамбарларининг қабрини масжид қилган яҳудийларни Худованд ҳалок қилади», – деган ҳадис ҳам бизга маълум. Ҳушёр бўлинг! Сизлардан аввал ўтганлар Пайғамбар ва авлиёларининг қабрларини масжид қилдилар. Ҳушёр бўлинг! «Сизлар ҳеч кимнинг қабрини масжид қилманг, уларнинг қабрига бориб намоз ўқимангки, мен сизларга буни манъ қиламан», – дейилган Муслимнинг ўша китобида”[5, 168]

Абдурауф Фитрат айнан зиёратлардан ўзларига паноҳ сўровчи кишиларга ишончли манбаларга асосланиб ўғит ва тавсиялар берган. Адиб қабрлар ва зиёратгоҳларни фақатгани зиёрат қилишлик, улардан бирор бир важни сўраб, тавоф қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ўғитлари қуйидаги фикрлари билан боғлиқ. “Бу каби зиёрат ва восита қилишлик бизни икки дунё саодатига етакламайди. Унга етишиш учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак. Бизда икки дунё саодатига етишиш учун майл бор экан, қай йўл ва усул билан унга етишиш мумкин? Бу саволнинг жавоби жуда осондир. Бахтга қарши, биз уни шу кунгача қулоғимизга олмаганмиз, икки дунё саодатига эришиш учун эса виждон амру вазифаларини адо этишимиз зарурдир”[5, 169].

Фитратнинг мазкур қарашлари орқали инсон ҳар бир бажараётган ишида, ҳатти-ҳаракатида нима мақсад мавжудлигини тушуниб етиши ва шу ҳаракатни онгли тарзда амалга ошириши кераклигини таъкидлаб, бунинг учун эса, инсонда бу каби ишларга доир бошланғич билим ва кўникмалар шаклланган бўлиши лозимлигини айтиб ўтган. Зиёратлар борасидага ассосиз қарашларни рад этиб, тўғри кўникмаларни шакллантиришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, қабристон ва мақбаралар зиёрати халқимиз ижтимоий ҳаётида маънавий, руҳий, тарбиявий аҳамият касб этади. Аммо бу амалларда ҳаддан ошиш, билимсизлик ва ирим – сиримларга эргашиш савобдан кўра гуноҳга сабаб бўлади.

Фитрат “Раҳбари нажот” асарида виждон ва инсоф тушунчаларини ҳам таҳлил этади. Виждон, ўзининг хусусиятларига қараб бир неча турларга бўлинишини айтиб ўтади ва ҳар бирини алоҳида таҳлил этишга ҳаракат қилади.

Виждон амри нимада? Бу – кишиларнинг ўзларига юкланган вазифа ва мажбуриятларини замон ва ўринга қарамай виждонан ва сидқидилдан бажаришларидир. Виждон амри вазифалари ичида ахлоқий вазифалар муҳимдир. Ахлоқ вазифаларини уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Вазойифи нафсия.
2. Вазойифи оила.
3. Вазойифи инсония.

Бу уч қисм бир-бири билан шу қадар боғлиқки, бирига ҳалал етса, бошқасида ҳам қусур намоён бўлади. Бу учала қисмни китобимизда бир-бир баён этамиз.

Фитрат виждонни инсоннинг барча хатти – ҳаракатларини бошқариб, бир маромда ушлаб туришга ёрдам берувчи, ҳар бир вазифаларини тўғри бажаришга ундовчи кучдир дея таъриф беради.

Натижа:

1. Аллоҳ, бизни барча махлуқлар каби бошқа жинслар манфаати учун эмас, балки икки дунё саодатига етишиш учун халқ қилган.

2. Дунё саодатини охират учун, охират саодатини бу дунё учун тарк этиш нотўғридир, бизга икки жаҳон саодати даркор.

3. Икки жаҳон саодатини эса саъй-ҳаракат билангина топиш мумкин.

4. Саъй-ҳаракатсиз дуодан фойда йўқдир.

5. Авлиёлардан мақсад раво бўлишини тилаш фойдасизлигидан ташқари яна гуноҳ ҳамдир.[5, 170]

Мазкур натижаларни таҳлил этсак, ҳар бири, аввало, инсоннинг бахт ва саодатига етаклашини мақсад қилганини кузатиш мумкин.

Дунёвийлик тамойили мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Виждон эркинлиги ҳамда “Виждон эркинлиги тўғрисида”ги қонуни билан ҳуқуқий қафолатланган. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Дин – ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга вазифани бажаради. Бироқ динни сиёсий мақсадлар учун ниқоб қилиб олиш, диний давлат барпо этиш дунёвий кадриятларга асосланган Конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зиддир. Халқимиз диний эътиқодни чуқур ҳурмат қилган ҳолда дунёвий тараққиёт

йўлидан бормокда. “Минг йиллар давомида ислом дини тамойилларига содиқ ҳолда яшаб келаётган халқимиз гўзал фазилатларни тўлалигича ҳаёти, урф – одати ва анъаналарига сингдириб олган. Халқимизнинг урф – одат ва асрий анъаналарини ўзида акс эттирган республикамиз қонунчилигида кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиш – бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади. Лекин ҳавола этилаётган эътиқод қонунга ҳилоф бўлмаслиги шарт”.[3, 23]

Истиқлол йўлига қадам қўйилган дастлабки кунларданоқ, мамлакатимизда инсоннинг маънавий ахлоқий етуқлигини таъминлаш учун барча шароитлар яратиб келинмоқда. “Ёшларга оид давлат сиёсати”нинг “Ёшлар келажагимиз” дастурининг қабул қилиниши, ёшларга бўлган Соғлом, демократик жамиятни яратишдаги муҳим вазифалардан бири ҳар жиҳатдан соғлом, маънавияти юксак, мустақил фикрловчи янги авлодни тарбиялашдан иборат. Чунки, ёшлар жамиятнинг келажагидир. Ёшларнинг тарбияси аввало, оиладан бошланади Оила эса аввало тарбия масканидир. Бу вазифани бажаришда оиладаги муҳит ва ота-оналарнинг ўрни таълим масканлари ва устоз, мураббийларникидан юқори туради.

Маълумки, “инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр – оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.”[6, 123] Бола ҳаёт учун зарур бўлган дастлабки билимларни оилада олади. Боланинг ҳаётий тушунчалари, онгидаги яхши-ёмон, мумкин-мумкин эмас, тўғри-нотўғри, меники-бизники каби норматив кўрсатмалар ҳам оиладаги муҳит таъсирида шаклланади. Унинг онгида оламга ва одамларга бўлган муносабатларини белгилайдиган кадриятлар тизимининг ўрнатилиши ҳам оилада амалга ошади. Бу жараёнда оиладаги муҳит ва мулоқот ниҳоятда муҳим таъсир кучига эга.

Оиладаги соғлом муҳит, ота-оналарнинг фарзандларига эътиборли бўлишлари, уларнинг нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларини қондиришга интилишлари болаларнинг ахлоқий ва ақлий тарбиясини тўғри йўналтиришга сабаб бўлади.

“Абдурауф Фитрат, муҳитнинг ахлоқийлик даражаси тарбиянинг самарали бўлишида ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидлаб: “Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан(яъни атрофдан) оладилар,- деб ёзади, – бошқача қилиб айтганда болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одат-ахлоқини қабул қиладилар. Яъни, уйда ота-оналаридан, мактабда синфдош ва муаллимлардан, (олий ўқув юртларида курсдош ва устозларидан) кўчада ўртоқларидан кўрган одат ва ахлоқларини тезда ўзлаштириб, шу ахлоқ билан юрадилар.” [6, 134]

Оила аъзолари, айниқса ота-оналар фарзандлари билан тез-тез мулоқот қилиб туришлари, уларнинг саволларига қисқа, аниқ, тушунарли жавоб беришлари билан бирга, қизиқишлари ва билимга интилишларини рағбатлантиришлари, онгида янги тушунчаларнинг шаклланишига ёрдам беришлари мумкин. Кичик ёшдаги болалар онгида янги тушунчалар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Катталарнинг, атрофидаги одамларнинг гапларидаги, радио, телевидениядан эшитган нотаниш сўзларнинг нимани билдиришини сўраш орқали боланинг тушунчалар олами кенгайиб боради. Унда ўзи эшитмаган, кўрмаган, сезмаган нарсалар ҳақида тушунчалар бўлмайди. Масалан: агар бола “бурч”, “маъсулият”, “диёнат” каби сўзларни эшитмаган бўлса, ёки бу сўзларга эътибор бермаган бўлса, унда бу сўз билан боғлиқ тушунча ҳосил бўлмайди.

Ота-оналар фарзандларининг саволларига жавоб бериш билан чекланмай, ўзлари ҳам саволлар бериш орқали уларда кузатиш, таққослаш, ўхшатиш, фарқлаш каби тафаккурлаш элементларини ривожлантирадилар. Булар эса, тушунчаларни шакллантирувчи дастлабки мантикий усулларидир. Ота-она меҳридан, ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмаган, оиласининг ҳимоясини ҳис этмаган бола ўз атрофидагиларга ишонмайди, улар билан мулоқотини тўғри ташкил этолмайди. Боланинг тушунчалар олами чегараланиб қолади, ўз шахсий фикрини билдиришни истамайди. Бундай муҳитда вояга етган болалар ҳаётда ўз ўрнини топишда қийналадилар.

Фарзандлар тарбиясида ақлий тарбия билан бир вақтда кўнгил- ҳиссиётлар тарбияси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Одамийликнинг асосини ташкил этувчи тавба, қаноат, сабр, меҳр-оқибат каби фазилатлар аввало дилда,

кўнгилда мавжуд бўлади. Бу каби фазилатлар ёшларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш, тарбиялаш орқали шакллантирилади. Инсонда ёшликдан бошлаб яхши фазилатлардан завқланиш, ёмон иллатлардан нафратланиш туйғуларининг тарбияланиши уни маънавий тубанлашишдан сақлайди. Халқимиз бой ҳаётий тажрибасининг ифодаси бўлган “Қуш уясида кўрганини қилади” деган мақол бу борада ота-она ибратининг таъсири ниҳоятда салмоқли эканлигидан далолат беради.

Таълим – тарбияда ибрат панд-насихатга нисбатан кучли таъсирга эга. Ота-оналарнинг ўзи аввало онгли равишда комилликка интилмаса, уни мақсади деб билмаса, фарзандлари учун ибрат бўла олмаса ўз вазифасини тўлиқ бажара олмаслиги аниқ. Тарбиячиларнинг ўзи тарбияли бўлишлари мустақил фикрловчи янги авлодни шакллантиришнинг зарурий шартидир. Фитратнинг куйидаги мулоҳазалари бунга мантикий далил бўла олади: “Болалар уйда ота-оналаридан, мактабда ўқитувчиларидан ахлоққа хилоф бўлган одат ва ишларни кўрмасликлари ахлоқий тарбия ҳисобланади.”[6, 119]

Ота-оналар, устоз ва мураббийлар, жамики авлод тарбиясига дахлдор бўлганлар комилликка интилганларидагина тарбияланувчиларини ҳам ўз ортларидан эргаштира оладилар. Ҳақиқатдан, боланинг атрофдаги одамларга муносабати, тафаккурлаш тарзи оила аъзолари ўртасидаги муносабат ахлоқий жиҳатдан қанчалик юксаклигига боғлиқдир. Демак, оиладаги муҳит, ота-онанинг ўзаро муносабати ва маънавий дунёси фарзандларининг, ёшларнинг ақлий тарбиясига, тафаккурлаш маданиятининг даражасига таъсир этмай қолмайди.

Шу ўринда Фитратнинг панисломизмга муносабати ҳақида ҳам икки оғиз гап айтиш керакка ўхшайди, чунки “Бедил” асарида мазкур йўналишга Фитратнинг ўз қарашлари ҳам акс этади. Панисломистлар ислом динини қурол қилиб, барча мусулмонларни бирлаштириш ва ягона, қудратли мусулмон давлати тузишни тарғиб қилганлар. Мана шу шиор остида Европа мамлакатларининг босқинчилик сиёсатига қарши курашадилар. Фитрат панисломизмдаги мусулмонларни бирлаштириш ғоясини ёқлайди, лекин ундаги диний таълимотни қоралайди. Кейинчалик ҳатто, рад этдигина эмас, динни ниқоб қилиб, ўз мақсади йўлида ҳаракатланувчилар ва унинг арбобларига қарши кескин кураш олиб боради. “Бедил” асарида мазкур ғоя етакчи роль ўйнайди.[6, 120]

Кўриниб турибдики, Фитрат дунёқарашдаги панисломизм таъсири ва унга муносабат ҳам ўзига хос йўсинда намоён бўлади. Мазкур йўналишдаги мусулмонларни бирлаштиришга қўшилади, аммо исломни байроқ қилишига қўшилмайди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, Фитрат барча вақтда ҳам фақат эзгулик ва ватанга садоқатни илгари сургандир. Фитрат дунё халқларини ўзаро дўстона муносабатлари инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эканини тушунтиришда ҳам Туркистон халқларини ана шу муносабатга тайёрлашни кўзда тутди, яшаш учун бундан бўлак йўл йўқлигини уқдиради, миллат, ватан тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг олий мақсади деб билади. Жадидларнинг асосий шиорларидан бири ҳам шу эди.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни тўлдириш ва аниқлаштириш мақсадида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш босқичида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги янги нисбатни шакллантириш ҳар доим ҳам силлиқ кечмади. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган уринишлар ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳаракатларнинг аниқ кўринишлари сифатида ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган турли оқимларнинг фаолиятида кўриш мумкин. Бу каби масалалар айнан жадид мутафаккирларини ҳам ўйлантирган.

Фитратнинг динга бўлган муносабатининг асл моҳиятида ҳам, миллатнинг келажаги ҳақида қайғуриш, ислом динидаги прогрессив фикрларни унинг истиқболи учун жорий қилиш ҳақидаги фикрлар ётади. Унинг динга бўлган қарашларида қуйидаги муҳим жиҳатларни ажратиш мумкин:

Фитрат ислохотчилиги ислом динининг назарий асосига бўлган саводсиз ёндашишдан илмий ёндашишга ўтишни ва шу асосда ижтимоий – сиёсий ҳаётни ривожлантириш ғояларини тарғиб қилиш характеридаги ислохотчилик эди.

Абдурауф Фитрат ва жадид намоёндалари ўлкамиз ижтимоий ҳаёти ва халқнинг савиясини ўйлаб деярли ҳар бир асарда ёки илмий рисоаларда жамиятнинг энг кичик бўғини бўлмиш оиладан тортиб, таълим даргоҳлари, билим юртлари ва идоралар тўғрисида ибратли

ўғитларни берганлар. Тўғри жамиятдаги муаммолар ҳамиша ҳам бўлган, лекин уларга ҳамиша қарши курашиш лозим, агар курашилмасак бу келажак авлодлар ҳаётига жиддий хавф – хатарни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ёшлар ўтмишда бизга бугунда ҳам ас қотадиган манбалар қолдирган ана шундай қомусий алломаларимиз меросини қадрлашимиз ва янада кенг миқёсида ўрганишимиз лозим.

Ўзбек жадидлари дунёда рўй бераётган рақобатларга дош бериш учун қудратли давлат даражасига ўсиб чиқишни орзу қиларди. Фитрат “Бедил” асарининг етакчи ғояси шундан иборат эди. Бу билан Фитрат, агар таъбир жоиз бўлса, бизнинг бугунги кундагина зўр бериб интилаётган орзулармизни ифода этади. Классик ёзувчилар асарларини бебаҳо тарбиявий ва эстетик аҳамияти мана шудир. Даврлар ўтади, тузумлар ўзгаради, классик асарлар эскирмайди.

Абдурауф Фитрат ҳам айнан илм, ижтимоий – фалсафий билимлар орқали жамиятни тарбиялашни, ҳамда уларда инсоний қадриятларни ривожлантиришни асосий мақсад қилиб олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 80.
3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият 2009. 108 б.
4. Абдурауф Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот). – Т.: “Шарқ” НМК, 2001. – 168 б.
5. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006. – 278 б.
6. Мадаева Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари. – Т.: 1996. – 152 б.
7. Ғаниев И.М. Фитрат ва Фитратшунослик – Т.: “Фан” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. – 320 б.
8. Шарипов Р. Жадид адабиётида янгилаш, ислохот ва мустақиллик учун кураш. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 170 б.
9. Шарипов Р. Жадид адабиётида янгилаш, ислохот ва мустақиллик учун кураш. – Т.: Ўқитувчи, 2002.